

Биринчи ташаҳҳуд ва намозда ўтириш ҳолати

05:00 / 09.01.2017 8676

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни такбир ва «Алҳамдулиллаҳи Роббил оламин»ни қироат қилиш билан очар эдилар.

Қачон рукуъ қилсалар, бошларини кўтариб ҳам, пастга тушириб ҳам юбормас, лекин ўртача тутар эдилар.

Қачон бошларини рукуъдан кўтарсалар, ғоз туриб олмагунларича сажда қилмас эдилар.

Қачон саждадан бошларини кўтарсалар, яхшилаб ўтириб олмагунларича яна сажда қилмас эдилар. ҳар икки ракатда «Ат-таҳийяту» ўқир эдилар.

Қачон ўтирсалар, чап оёқларига ўтирар ва ўнг оёқларини тик тутар эдилар. Шайтоннинг ақибидан ва йиртқичнинг ястанишидан наҳий қилар эдилар. Намозни салом бериш билан тамом қилар эдилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдаги кўп маънолар олдинги ҳадислардан ўрганилгани учун такрорлаб ўтирмаймиз. Фақат ўрганилмаган нуқталарга эътибор берамиз.

1. «ҳар икки ракатда «Ат-таҳийяту» ўқир эдилар».

Яъни, ўтириб ташаҳҳуд ўқир эдилар. Агар намоз икки ракатли бўлса, шу билан тамом бўлар эди. Тўрт ракатли бўлса ёки уч ракатли бўлса, бу биринчи ўтириш ҳисобланиб учинчи ёки тўртинчи ракатдан кейин охириги ўтиришга яна ўтириб, яна ташаҳҳуд ўқилади ва салом берилади.

2. «Шайтоннинг ақибидан»дан наҳий қилар эдилар. Яъни, бироз аввал васф қилинган «ит ўтиришдан» қайтарар эдилар.

3. «Йиртқичнинг ястаниши»дан наҳий қилар эдилар».

Бу саждада бўлиб, ҳам кафтини, ҳам чиғаноғини ерга қўйиб, билагига суяниб туриш. Буни ҳам олдин ўрганганмиз.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозда ўтирсалар, ўнг кафтларини ўнг сонларига қўяр, панжаларини тугиб бош бормоқ ёнидаги бармоқлари билан ишора қилар эдилар. Чап кафтларини чап сонларига қўяр эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

«Сунан» эгалари ривоятида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон аввалги икки ракатда ўтирсалар, худди қизиган тошларнинг устида ўтиргандек ўтирар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда ташаҳҳудда қандай ўтириш ҳақида сўз бормоқда.

1. Ташаҳҳудда ўтирганда ўнг кафтни ўнг сонга, чап кафтни чап сонга қўйиб, панжаларни қиблага қаратиб ўтирилади.
2. Панжаларни тугиб, кўрсатгич-бармоқ ила ишора қилинади.

Бу бармоқ арабчада «саббоба» дейилади. Шунинг учун ташаҳҳудда қилинадиган ишорани ҳам «ишораи саббоба» дейилади.

«Ишораи саббоба» ташаҳҳудда «Ашҳаду алла илаҳа» деганда «Ла»ни айтаётганда кўрсатгич бармоқни юқорига кўтариш билан бўлади. Ўша бармоқни кўтаришда бошқа бармоқлар йиғиб олинади.

Баъзилар ушбу ривоятдаги «панжаларини тугиб», деганини ташаҳҳудга ўтиришда тугиб ўтиради, деб тушунганлар. Шунинг учун аввалдан қўлларини муштга ўхшатиб ўтиришади ва «Ла»га келганда кўрсатгич бармоқларини юқорига кўтаришади.

«Саббоба» сўкиш деганидир. Бинобарин, «ишораи саббоба» - сўкиш ишораси бўлади.

Ташаҳҳудда «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу»нинг «Ла»сида кўрсатгич бармоқни кўтариш шайтонни сўкиш, уни темир қамчи билан уришдек бўлади. Ишорани қилгандан сўнг, намоз тамом бўлгунча ўша бармоққа қараб турилади.

3. Биринчи ташаҳҳудда ўтирганда худди қизиган тошда ўтиргандек ўтирилади. Яъни, ташаҳҳудни ўқиш билан дарҳол туриш тушунтирилади.

